

«Узвиносаноат-холдинг» холдинг компанияси

**«Ховренко номидаги Самарканд винокомбинати»
акциядорлик жамиятида миноритар акциядорлар кўмитасининг
фаолият кўрсатиши тартиби тўғрисидаги
Н И З О М**

Самарканд- 2016 йил

**«ХОВРЕНКО НОМИДАГИ САМАРКАНД ВИНО КОМБИНАТИ»
акциядорлик жамиятида миноритар акциядорлар кўмитасининг фаолият
кўрсатиши тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 30 мартдаги 126-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат кўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази тўғрисидаги низомга мувофиқ акциядорлик жамиятида миноритар акциядорлар кўмитаси (бундан буён матнда кўмита деб юритилади) фаолияти тартибини белгилайди.

I-боб. Умумий қондалар

1. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

Акциядорлик жамияти (бундан буён матнда жамият деб юритилади) — устав фонди (устав капитали) акциядорларнинг акциядорлик жамиятига нисбатан ҳуқуқларини тасдиқловчи муайян миқдордаги акцияларга тақсимланган тижорат ташкилоти;

Акциядор — акциялар мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқ асосида тегишли бўлган юридик ёхуд жисмоний шахс;

миноритар акциядорлар — акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиши ва овоз бериши йиғилиш кун тартибидаги масалалар бўйича овоз бериш натижаларига таъсир ўтказмайдиган акциялар эгалари;

кузатув кенгаши — қонун ва акциядорлик жамияти устави билан акциядорлар умумий йиғилишининг ваколати доирасига киритилган масалалардан ташқари акциядорлик жамияти фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширувчи бошқарув органи;

қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи — Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат кўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази.

2. Кўмитанинг қарорлари жамиятнинг бошқарув ва назорат органлари томонидан бажарилиши мажбурий эмас, ушбу Низомда назарда тутилган тартибда тегишли ҳужжатларни тақдим этиш тўғрисидаги қарорлари бундан мустасно.

Жамиятнинг акциядорларига тегишли бўлган дивидендлар тўланмаган тақдирда қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи мазкур жамият акциядорининг ёки кўмитанинг мурожаати асосида судга жамиятнинг зиммасига ушбу жамият барча акциядорларига дивидендлар тўлаш мажбуриятини юклатиш тўғрисида даъво тақдим этишга ҳақли. Бундай даъвони тақдим этиш ва кўриб чиқиш тартиби қонун ҳужжатларида белгиланади.

2-боб. Қўмитани ташкил этишнинг талаблари

3. Миноритар акциядорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида жамиятда уларнинг орасидан қўмита ташкил этилиши мумкин.

4. Қўмитани ташкил этиш мумкинлиги жамиятнинг уставида назарда тутилган бўлиши лозим.

5. Акциядорлар (акциядор) жамиятнинг молия йили тугаганидан кейин ўттиз кундан кечиктирмай, агар жамият уставида бундан кечроқ муддат белгиланмаган бўлса, акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига қўмита таркибига номзодлар бўйича таклифлар кўрсатишга ҳақли.

6. Акциядорлар (акциядор) қўмитага ўзлари кўрсатган номзодлар рўйхатига акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисидаги хабар эълон қилинган санадан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай ўзгартишлар киритишга ҳақли.

7. Қўмита аъзоларини сайлаш тўғрисидаги қарор акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан бир йил муддатга қабул қилинади.

Қўмита таркибига сайланган шахслар чекланмаган тарзда қайта сайланиши мумкин.

8. Қўмитанинг аъзоларини сайлашда акциядорларнинг умумий йиғилишида ҳозир бўлган ва жамият кузатув кенгашига номзодлар кўрсатмаган ёхуд акциядорларнинг ўтказилаётган умумий йиғилишида кузатув кенгашига номзодлари сайланмаган акциядорлар иштирок этади.

9. Жамият бошқаруви аъзолари ва директори, шунингдек жамият кузатув кенгаши ҳамда, тафтиш комиссияси аъзолари (тафтишчиси) жамиятнинг қўмита аъзолари таркибига киритилиши мумкин эмас.

10. Қўмита аъзоларининг сони жамият устави билан белгиланиб, уч кишидан кам бўлмаслиги, шунингдек умумий сони тоқ сондан иборат бўлиши лозим.

11. Қўмитанинг раиси ушбу қўмита таркибидан унинг аъзолари томонидан кўпчилик овоз билан сайланади.

3-боб. Қўмита фаолиятини ташкил этиш

12. Қўмита фаолиятини ташкил этиш мақсадида жамият ижроия органи раҳбари қўмита аъзоларига иш жойини, компьютер ускунасини, сейфни, телефон ёки факсимил алоқасини ажратган тарзда зарур меҳнат шароитини яратиб бериши шарт.

13. Қўмитанинг ваколатига қуйидагилар киради:

акциядорларнинг умумий йиғилиши ёки жамиятнинг кузатув кенгаши кўриб чиқиши учун киритилаётган йирик битимлар ва аффилиланган шахслар билан битимлар тузишга оид масалалар бўйича таклифлар тайёрлашда иштирок этиш;

миноритар акциядорларнинг ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ муурожаатларини кўриб чиқиш;

қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органига миноритар акциядорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисида муурожаатлар киритиш;

14. Қўмитанинг мажлислари мунтазам равишда ўтказилади ва қўмитанинг таркибига сайланган шахсларнинг камида тўртдан уч қисми ҳозир бўлганда ваколатлидир.

Қўмита раиси қўмита қарорида куни ва вақтини белгиллаган тарзда миноритар акциядорларни ҳафталик қабулини ташкил этиши лозим.

15. Қўмита қарорлари оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади ва йиғилишда иштирок этувчи барча қўмита аъзолари томонидан имзоланадиган баённома билан расмийлаштирилади.

16. Қўмитанинг бир аъзоси ўз овозини шу қўмитанинг бошқа бир аъзосига беришига йўл қўйилмайди.

17. Қўмита раиси қўмитанинг ваколати доирасига киритилган барча масалалар бўйича жамиятнинг маълумот ва ҳужжатларидан, шу жумладан жамият тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг), аудиторлик ташкилотининг ҳулосалари ва ҳисоботлари, назорат қилувчи давлат органларининг текшириш далолатномалари, жамиятга ва унинг мансабдор шахсларига нисбатан чиқарилган суд қарорларидан, шунингдек аффилиланган шахслар билан назарда тутилган битимларни жамиятнинг ижроия органи ва ички аудит хизмати томонидан ўрганиш бўйича баённомаларидан эркин фойдаланиш ҳуқуқига эга.

18. Қўмита ваколатига кирадиган масалалар бўйича ҳужжатларни олиш тўғрисидаги қўмита раисининг сўровномалари ёзма равишда расмийлаштирилган ҳолда жамият ижроия органига тақдим этилади.

19. Жамиятнинг ижроия органи қўмита раиси томонидан сўралган ҳужжатларни ёки уларнинг нусхаларини 10 кун ичида ёхуд сўровномада кўрсатилган муддатдан кечиктирмаган тарзда тақдим этиши шарт.

20. Қабул қилиниб олинган ҳужжатлар қўмита раиси ва аъзолари томонидан фақатгина хизмат мақсадларида фойдаланилиши мумкин.

Қўмита аъзолари жамият ёки унинг фаолияти тўғрисидаги хизмат, тижорат сирини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи ахборотни ошкор қилишга ҳақли эмас.

21. Қўмита ўзининг ваколатига кирган масалалар бўйича қабул қилинган қарорлар тўғрисида ҳар йили акциядорларнинг умумий йиғилишида ҳисобот беради.

4-боб. Яқуний қоидалар

22. Қўмита жамиятнинг хўжалик фаолиятига аралашушга ҳақли эмас.

23. Қўмитанинг фаолиятига жамият кузатув кенгашининг ёки ижроия органининг аралашувига йўл қўйилмайди.

24. Мазкур Низомнинг талабларини бузганликда айбдор шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.